

4-маъруза: Акли заиф болалар ва укувчилар

рухиятини урганиш усуллари

Р Е Ж А:

1. Усулларга умумий маълумот бериш
2. Сухбат усули
3. Кузатиш методи
4. Тестлардан фойдаланиш
5. Айрим усуллар хакида

Инсон рухиятини урганиш нихоятда мураккаб. Диагностика ишлари учун, ёрдамчи мактабларни бутлаш учун болалар рухиятини урганиш жуда зарур хисобланади, чунки ёрдамчи мактаблардаги таълим-тарбияни самарали амалга ошириб бориш учун бу борадаги маълумотлар керак булади.

Инсон рухиятини атрофлича урганиш кишидан хар тарафлама билим ва малакалар булиши талаб этилиши билан бир каторда билим, етарлича хаётий тажриба хам талаб этилади. Бир неча йил болалар билан ишлаган уқитувчи, тарбиячилар уз синфларидағи болаларни атрофлича урганиб оладилар. Мактаблардаги педагогик кузатишдан ташкари шахс рухиятини урганишнинг турли усуллари мавжуд. Даастлаб биринчи синфга кирмокчи булган уқитувчи булажак укувчиларнинг шахсий хужжатлари билан танишиб чикади. Болалар хакидаги тиббий курсатмалар билан якиндан танишади. Тиббий хулосаларни, тушунчаларни етарлича узлаштириш учун ёрдамчи мактаб ходимлари бундай билимларни яхши эгаллаган булишлари лозим. Боланинг руҳий тараккиёти хакидаги кимматли маълумотлар болаларнинг ота-оналаридан олинади. Жуда эхтиёткорлик билан, ота-онанинг калбига шикаст етказмасдан, нуксонли боласи хакидаги зарурий маълумотлар йигилади. Айникса, ота-оналардан боланинг умумий ривожланишидан ташкари, нуксон юз бергандан кейинги узига хос, нуксонли ривожланиши хакидаги маълумотлар жуда кимматли ва диагностик ахамиятга эга. Ёрдамчи мактаблардаги уқитувчи ва тарбиячиларнинг таълимий, тарбиявий, коррекцион, согломлаштириш ишларининг барчаси шу маълумотларга асосланади. Болалар хакидаги тегишли маълумотлар олингандан кейин, улар билан таълим-тарбиявий ишлар олиб борилади. Ёрдамчи мактаблардаги акли заиф болаларни атрофлича урганиш учун катор, маҳсус психологик услугиятлардан, усуллардан фойдаланиш мумкин. Тажриба хакида умумий психологиядан хам маълум. Шу сабабли, бу хакда атрофлича тухталиб утирмаймиз. Олдинги мавзууларда хам кисман тухтаб утилган. Тажриба утказиш оддий кузатишдан фарқ килади. Бунда тажриба утказувчи урганилиши керак булган руҳий жараёнларни турли йуллар билан, маълум режа асосида урганиб боради. Тажриба утказиш оркали

уқитувчи катор рухий жараёнларнинг холати, уларнинг узгариб туриши, турли кийинчиликлар юз бериши, уларнинг сабабларини секин-аста тушуниб боради. Тажриба барча фанларда энг мукаммал текшириш усулларидан бир хисобланади. Айникса, нуксонли рухий холатларни урганиш учун тажриба утказиш жуда зарурдир. Ёрдамчи мактабларда ишлаётган олигофренопедагоглар катор тажриба услубиятларини билиши, уларни уринли ишлата олиши, тажриба натижаларини тахлил кила олиши, баҳолай билиши, янги услубиятлар яратса билиши лозим. Уқитувчи акли заиф укувчиларга уйга берилаётган топширикларнинг хажмини хам тажриба утказиб билиб олиши мумкин. Дарслик материалларининг кайси кисмини синфда, кайси кисмини уйда ечиш мумкинлигини хам тажриба оркали аниклаб олиши мумкин. Айрим укувчилар ноаник сабабларга кура дарс материалларини узлаштира олмасалар хам уқитувчи маҳсус тажриба оркали бунинг сабабларини хам урганиши мумкин. Бу борада Х.С.Замский ва А.Р.Лурия айрим ишларида батафсил маълумотлар келтирилган. Олигофренопедагог патопсихологик услубиятларни яхши узлаштирган булса, шифокор-психоневрологлар учун якин ёрдамчи хисобланади. Акличи заиф болалар диагностикасидаги мунозарали вактларда олигофренопедагог тегишли, малакали ёрдам бериши мумкин. Катор олигофренопедагоглар экспериментал патопсихологик муассасаларда, рухий шифохоналарда, психоневрологик муассасаларда хизмат килмоқдалар. Улар туплаган кимматли маълумотлар диагностик ишларда катта ахамиятга эга. Айникса, патопсихологик тажриба, ташхис марказларида, психологик-тиббий-педагогик комиссия ишларида, акли заиф болаларни ёрдамчи мактабларга саралаш вактларида кенг кулланилади. Болаларга акли заифлик хакида ташхис куйишда куйидаги мунозарали вактларда болани патопсихологик текшириш тавсия этилади. Бунинг натижасида бола хакида күшимча кимматли маълумотлар кулга киритилади. Бу маълумотлар айникса, боланинг билиш фаолиятлари хакидаги билимларнинг кулга киритилишидир. Олигофренопедагог услубиятларнинг тузилиш принципларини хам билиши талааб этилади. Олигофренопсихологияда мавжуд булган объектив усуллар оркали акли заиф бола рухиятининг узига хос томонлари, уларнинг ривожланиш конуниятлари хакида маълумотлар беради. Ёрдамчи мактабларда болаларни урганиш олигофренопедагогнинг асосий ишларидан бири хисобланади. Рухиятни урганиш атрофлича амалга оширилиши керак. Акличи заиф болалар шахсини психологик, педагогик, тиббий урганиш умумий тарзда амалга оширилганда гина ягона бир холосага келиш мумкин. Барча рухий жараёнларни урганиш жараёнида объективлик, динамилик, аналитик-синтетик, атрофлийлик, индивидуал ёндашиш принципларига риоя килишимиз даркор.

Объективлик деганда, акли заиф болалар рухиятини урганиш ишлари реал шароитда, хаёт жараёнида олиб борилиши тушунилади.

Динамиклик эса, акли заиф бола, укувчини урганиш унинг ривожланишида, тараккиётида амалга оширилади.

Аналитик – синтетик принципда эса, рухий жараёнлар, холатлар атрофлича, хар томонлама боғликлар холатида тахлилий урганишни назарда тутади.

Комплекслик принципи эса, акли заиф болаларни урганишда педагогик, психологик, тиббий, логопедик текширишларни бирга олиб боришни тушунамиз. Индивидуал ёндашиш принципи эса, болани урганиш вактида катъий тарзда шахснинг индивидуал хусусиятларини инобатга олишни тушунамиз. Усул танлаш хар бир текширишнинг максадидан, вазифаларидан келиб чикади. Аммо, барча усулларда юкорида кайд этиб утилган принципларга амал килиш лозим. Акли заиф бола рухиятини урганаётган олигофренопедагог уз олдига куйидаги вазифаларни куиши керак:

- бола рухиятининг ривожланиш хусусиятларини аниклаш;
 - бола рухиятидаги нуксон тузилишини аниклаш;
 - боланинг аклий ривожланиш даражаси ва хусусиятларини очиш;
 - акли заиф бола рухиятидаги ижобий томонларини топиш;
- акли заиф бола билан олиб бориладиган коррекцион, таълим-тарбиявий ишларнинг самарали, маҳсулдор шароитларини белгилаб олиш. Акли заиф бола рухиятининг узига хос хусусиятларини билиш асосида улар билан олиб бориладиган укув-тарбиявий ишлар мазмуни, мохияти белгиланади. Акли заиф болаларнинг шахсий хужжатлари билан таниша бориб, уқитувчи, тарбиячи боланинг касаллик тарихи, касаллик колдирган асорат хусусиятларини тахлил килади. Акли заиф болалар рухиятини урганишнинг асосий усулларидан бири болани кузатишидир. Максадга мувофиқлик, режалилик, бир тизимдалик, табиийлик бу усулнинг асосий, ижобий хусусиятларидандир. Кузатиш усули оркали тажриба утказувчи акли заиф боланинг билиш фаолиятлари хусусиятларини, укув малакаларини эгаллаш хусусиятларининг кечиши, малака ва куникмаларнинг эгалланиши, шахсий сифатларнинг намоён булишини билиб олишга имконият тугилади. Педагог болани турли фаолиятларда: уйин, укиш, меҳнат, ижтимоий фойдали ишларда узларини тутишларига караб, кузатиб урганади. Болани кузатиш хакидаги маълумотлар маҳсус кузатув дафтарида баён этиб борилади. Шуни таъкидлаш жоизки, кузатиш усули катор ижобий томонлари билан бирга, айрим камчиликлари, салбий томонлари хам мавжуд. Бунга мисол килиб, кузатиш усулининг педагогни пассив холатга тушириб, факат тегишли маълумотларни белгилаб бориш, ёзиб олишдангина нари утмайди. Шу сабабли, педагог болани психолого-педагогик ургангандага факатгина кузатиш усули билан

кифояланиб колмаслиги керак. Бола рухиятини урганишнинг асосий усулларидан яна бири, тажриба утказишидир, бунда тажриба утказувчи фаол холатда булиб, маҳсус шароит яратиб, узи учун керак булган руҳий жараёнларни урганади. Тажриба оркали аник, конкрет саволларга жавоблар олинади. Тажриба утказилиш шакли, тури, мазмунига кура табиий ва лаборатория шароитида утказилиши мумкин. Лаборатория тажрибаси маҳсус шароитда, турли асбоб-ускуналардан, укувнинг техника воситаларидан фойдаланган холда амалга оширилади. Масалан, периметр билан куриш доирасини, эстезиометр билан тактил сезгилар чегарасини, камертон билан товуш баландлигини, тахистоскоп билан эса идрок хажми ва тезлигини, хотиранинг аниклиги ва мустахкамлигини аниклаш мумкин. Демак, лаборатория усулида сунъий тарзда бизга урганиш керак булган руҳий жараёнларнинг намоён булишини кайд килиб борадиган асбоб-ускуналар талаб этилар экан.

Табиий тажрибада эса, юкоридаги айтиб утилган воситалар талаб этилмайди.

Табиий тажриба болаларга таниш булган оддий шароитларда амалга оширилади.

Уни утказилаётганда куйидаги холатларга эътиборни каратиш керак:

1. Оддий руҳий фаолиятни моделлаштириш;
2. Олинган маълумотларни сифат жихатдан тахлил килишга диккат-эътиборни каратиш;
3. Тажрибада ишлаш вактини, иш хажмини, болалар томонидан йул куйилган хатолар сонини эътиборга олиш.

Тажриба объектив ва реал фактларни хисобга олишни талаб этади. Карорда боланинг харакатлари, боланинг берган саволлари, унинг нутки, хиссиёти, йул куйган хатоларига муносабати, болага курсатилган ёрдам мазмуни баён этилиши талаб этилади. Эксперимент утаётган вактда экспериментатор ишга араласиши, кайта сураши, болага берилган топширикларни кайтариши, болани рагбатлантириши, саволлар бериши, маслаҳат бериши ва бошка холатларга руҳсат берилади. Аммо, экспериментатор, тажриба утказувчи сергап булмаслиги талаб этилади. Боланинг тажрибада кийналиши, фикрларининг таркалиши, умумлаштира олмаслиги, мантикий фикрлар тузга олмаслиги оқибатида келиб чикади. Тажриба, кузатиш ва сухбат биргаликда олиб борилади. Сухбат максадининг аниклиги, тушунарлилиги берилаётган саволларнинг лундалиги билан ажralиб туриши керак. Тажриба утказувчи боланинг диккатини узига каратиб, топширикларга жавоб беришга хоҳиш уйготиши керак. Бола билан сухбатлашиш оркали педагог боланинг кизикишлари, интилишлари, мойиллигини билиб олади. Болага куйидаги тарзда саволлар бериши мумкин. Неча ёшдасан? Исминг ким? Кимлар билан яшайсан? Яшаш жойинг каерда? Ота-онанг нима иш билан шугулланишади? Бу каби

саволлар оркали болани бирмунча тинчлантириб, у билан мулокотга киришишга тайёрланилади. Бусиз тажриба бошлаш яхши натижаларга олиб келмайди. Чунки, бола хаяжонланиб, куркиб билган жавобларини хам бермаслиги мумкин. Акли заиф болалар рухиятини урганиш учун турли анкеталардан хам фойдаланилади. Берилаётган анкета саволлари аник, пухта, мазмунли булиши талаб этилади. Олинган жавоблар чукур тахлил килинади, уларни катор математик усууллар оркали хам тахлил этилиши ахамиятлидир. Бу усуулларга: альтернатив, корреляцион ва дисперсион усууллар киради.

Альтернатив тахлил оркали болада биз урганаётган сифатлар бор-йуклигини аниклашга, очиб беришга ёрдам беради.

Корреляцион тахлил руҳий ҳолатларнинг белгилари орасида узаро бөглиқлик борлигини аниклашга ёрдам беради.

Дисперсион тахлил бола рухиятига таъсир этадиган омилларнинг биз урганаётган белгига таъсир ролини аниклашга ёрдам беради.

Юкорида баён этилган катор усууллар бола рухиятини урганишнинг асосий усууллари саналади. Болалар иш фаолияти натижаларини урганиш, тахлил этиш эса күшимча усуулларга киради. Болаларнинг ёзма ишлари, чизган расмлари, ясаган буюмлари, меҳнат маҳсулотлари киради. Ёрдамчи мактабларда акли заиф бола рухиятини урганишда анамнестик усуудан хам кенг фойдаланилади. Катамнез-касал ҳакида узок муддат давомида йигилган маълумотлардир. Бу усул, айникса, тиббитётда кенг кулланилади. Ёрдамчи мактабни битирган укувчиларнинг катамнези оркали ёрдамчи мактаблардаги коррекцион, тарбиявий таълимнинг самарадорлигини ошириб бориш мумкин. Рухиятни урганишнинг алохида, узига хос самарали усууларидан бири тестлардан фойдаланишdir. Шуни эътироф этиш жуда уринлики, тестлар рухиятни урганишнинг яхши усули эканлиги узок йиллар давомида бизнинг мамлакатимизда етарлича тан олинмади. Сунгги йилларда бу камчилигимиз тугриланмоқда. Тестлар асосан текширилаётган болада у ёки бу сифат, эгаллаган билимлар даражаси, боланинг тайёргарлик даражасини аниклаш учун хизмат килади. Турлича тузилишга, мазмунга эга булган тестларни куллаш оркали болаларнинг аклий коэффициенти аникланади. Албатта, тестларни куллаш бизга керак булган барча маълумотларни етарли даражада бера олмаслиги мумкин. 1969 йилда Вашингтонда психиатрларнинг кенгашида болаларнинг аклий коэффициентини факатгина тестлардан фойдаланмасдан, балки күшимча тарзда бошка усууллардан хам фойдаланиш тавсия этилди. Тестларни күшимча воситалар сифатида куллаш таклиф килинди. Асосий усул эса, болани бирмунча узок муддат тиббий, педагогик, психологик текшириш уринли эканлиги курсатиб утилди. Лекин, барча усууллар орасида текширувчининг “диагностик кузи” катта ахамиятга эга.

Кискача айрим услубиятлар устида тухталиб утамиз.

С е г е н т а х т а ч а с и

Умуман, барча болаларнинг, хусусан акли заиф болаларнинг тафаккур жараёнларини текшириш учун кулланилиши мумкин. Сеген доскасининг тузилиши куйидагича: 10 та геометрик фигурани олиб маҳсус картон ёки фанерда шу геометрик фигуralар шаклида чукурчалар уйилади. Учбурчак, туртбурчак, квадрат, айлана, ромб, тугри туртбурчак, трапеция каби геометрик фигуralарни тушунтириш асосида болалардан тегишли чукурчаларга жойлаштириши талааб этилади. Иш тартиби куйидагича: дастлаб тажриба утказувчи болаларга чукурчаларга жойлаштирилган тахтачани курсатади. Шундан сунг у тахтачадаги фигуralарни тукиб ташлайди ва болалардан яна фигуralарни уз жойларига жойлаштиришни сурайди. Бу усул айникса, чукур акли заиф болаларни боғча ёшида урганишга ёрдам беради. Бола гапирмаслиги хам мумкин. Бу усулнинг турли варианtlари бор. 2 ёшли болалар учун 4 та фигуralи, ундан катта болалар учун эса, 10 та фигуralи варианти бор. Аклан нормал болалар 2 ёшдан бошлаб бу ишни тугри бажара оладилар. Аклий нуксонлилар, айникса чукур акли заиф болалар геометрик фигуralарни пайпаслайдилар, оғизларига олиб курадилар, уларни столга уриб такиллатадилар. Максадсиз харакат киладилар, синов ва хато усуллардан фойдаланадилар. Бу болалар курсатилган ёрдамдан фойдалана олмайдилар. Тажриба утказувчининг бераётган курсатмасини идрок килиши, тушуниб этиши хам диагностик ахамиятга эга. Усулнинг содда тузилишга эгалиги сабабли, хар бир уқитувчи, тарбиячилар мустакил равишда ясад фойдаланишлари мумкин.

К о о с у с л у б и я т и

1923 йилда америкалик психолог Коос томонидан ишлаб чикилган. Бу услубият боланинг фазода мулжал ола билиш, жадвалдаги фигуralарни тахлил кила билиш, фахм-фаросат, диккатлилик холатларини урганишга мужлланган. Кубиклар 16 та булиб, барчасининг томонлари бир хил рангда буялган. Хаво ранг, кизил, сарик, ок, ок-кизил, сарик-хаво ранг кубиклар томонларининг ранглариdir. Болаларга таклиф этиладиган жадваллар мураккаблигига кура: турт, туккиз ёки ун отита кубиклардан иборат булади. Бу усулни 4 ёшдан бошлаб, ундан катта ёшдаги болаларга хам тавсия этиш мумкин.

Текширилаётган болага маълум жадвал ва кубиклар берилади. Боладан жадвалда тасвиrlанган фигурани ясаш суралади. Мумкин кадар содда жадваллардан бошлаш максадга мувофик. Бу усулнинг кимматли томонларидан яна бири шундаки, бола тажриба утказувчи билан мулокотга кирмаслиги мумкин. Шунда бола гапирмаса хам, кул билан топширикни бажариши мумкин. Бу усул билан ишлаш жараённида шунга амин булдикки,

аклий нуксонлилар, аксарият нормал болалар хам бу усул билан кизикиб ишлашар эканлар. Бу эса тажриба утказувчи учун жуда катта нарса.

Т у р т и н ч и с и о р т и к ч а

Бу услубият узининг соддалиги билан ажралиб туради. Унинг номидан куриниб турибдики, бирор нарсанинг туртинчиси ортикча экан. Бу услубиятнинг жуда куп вариантларини мустакил ишлаб чикиш мумкин. У асосан тафаккурнинг турли томонларини урганишга хизмат килади. Айникса, болаларнинг умумлаштира олиш кобилиятини жуда яхши очиб беради. Услубиятнинг мазмуни куйидагича: мевалар, усимликлар, дарахтлар, хайвонлар, идиш-товорклар, кийим-кечаклар, укув куроллари ва хоказолардан 4 та расм олинади. Шу расмларнинг 3 таси бир тоифага, 1 таси бошка тоифа нарсаларга хос булиши даркор. Бола тасвирланган 4 та расмнинг кайси бири ортикча эканлигини аниглаши керак. Бу услубиятни богчагача, богча, кичик мактаб, урта мактаб ёшидаги болаларга хам куллаш мумкин, аклий савиянинг пастлигига караб, бирмунча катта ёшдаги болаларга хам тавсия этса булади.

Д е м б о - Р у б и н ш т е й н С. Я.

у с л у б и я т и

Бу услубият – Америкада ишлаб чиқилган булиб, кейинчалик С.Я.Рубинштейн томонидан кайта ишланган. Болаларнинг уз-узларига баҳо беришлари, узларига танкидий карашлари урганилади. Асосан, шахсий сифатларнинг кай даражада шаклланганлигини курсатиб беради. Бунинг учун болаларга куйидаги топшириклар берилади: соглик, акл, характер, бахт, гузаллик¹ каби тушунчалар таклиф этилади. Бу тушунчаларнинг 9 та даражаси ёки сифатини болалар узларига мос тарзда танлашлари таклиф этилади. Бу даражалар нарвон шаклида, юкорига кутарилган сари бу тушунчалардаги сифатлар камайиб боради. Масалан, акл тушунчасида 1 даража энг аклли хисобланса, 9 даражада эса энг аклсиз даражада сифатида белгиланган ва хоказо. Болаларнинг хар бир тушунча буйича берган жавоблари маҳсус жадвалда бирлаштирилиб, уларнинг нормал тенгдошлариникига таккосланилса, жуда кизикарли манзаранинг гувохи буламиз. Олинган маълумотлар асосида болалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларимизни максадга мувофик тарзда режалаштиришимиз мумкин.

В е к с л е р у с л у б и я т и

Бу услубият узининг тузилиши, хажмининг нихоятда кенглиги билан бошкалардан тубдан фарқ килади. У 1949 йилда Америка Кушма Штатларида яратилган булиб, 5 ёшдан 16 ёшгача булган болаларни атрофлича текширишга мулжалланган. Услубият катор мамлакатларда кайта ишланган. ”Бизда Д.Векслер услубияти жуда кенг таркалди. Тест

¹ Гзаллик – ушбу матнлар муаллифи томонидан тавсия этилган.

нормал болаларни олигофрен болалардан ажратишида, рухий ривожланиши сустлашган болалар аклий фаолиятларини урганишида, узлаштирмаслик сабабларини тахлил килишида кулланилди. Барча текширишларда тест узининг юкори ишончлилигини, валидлигини курсатди... Векслер тестининг афзаллиги шундаки, у факатгина интеллектнинг умумий даражаси хакида тасаввур хосил килмасдан, балки унинг тузилиши хакида хам маълумот беради. Буларни вербал ва новербал интеллектуал сифатларни текширишда кулга киритилади. Бу маълумотлар бола аклий фаолиятининг кайси томонлари камрок шаклланганлиги ва кайси томонлар билан копланиши мумкинлигини курсатади...¹ Юкоридаги ижобий фикрлар Векслер услубиятига берилган объектив баходир. Албатта, барча услубиятларда булганидек, бу услубият хам айрим жузъий камчиликлардан холи эмас. Аммо, бу камчиликлар унинг ахамиятини камайтира олмайди. У икки кисмдан иборат. Биринчи 6 та тест болаларнинг вербал, колган 6 таси новербал аклий фаолиятларни урганишга хизмат килади. Тестлар куйидагича номланади.

1. Боланинг умумий хабардорлигини аниклашга хизмат килувчи тест.
2. Боланинг тушуниш кобилиятини аникловчи тест.
3. Математик билимларни урганувчи тест.
4. Тушунчалар орасида аналогия ва ухшашликни топишга оид тест.
5. Болаларнинг лугат бойлигини урганувчи тест.
6. Ракамларни кайтариш.
7. Суратлардаги етишмайдиган кисмларни топиш.
8. Суратлар кетма-кетлиги.
9. Кубиклардан фигуralар тузиш.
10. Айрим кисмлардан объектлар ясаш.
11. Кодлаш.
12. Лабиринт.

Аклий тараккиётдаги камчиликлар куп холларда бояч, мактабга тайёрлов даврларида хам кузга ташланмайди. Бу кийинчиликлар боланинг мактабга келиб, турли фанлардан билимлар ола бошлаганларидан кейин кузга ташлана бошлади. Бошлангич синфлардаги узлаштирмовчи укувчиларнинг катта кисмини рухий ривожланиши сустлашган болалар ташкил этади. Маълумки, бу болаларнинг клиник куриниши турли-тумандир. Бу болаларда аклий тараккиётнинг турли даражада, турли мазмунда бузилганлигини куриш мумкин. Уларнинг потенциал имкониятлари хам турличадир. Бу болаларга нисбатан нотугри килинган айрим педагогик муносабат факатгина улардаги оркада колишни чукурлаштириб колмасдан, балки болаларда салбий шахсий

¹ Практикум по патопсихологии. Под ред. Б.В.Зейгарник, и др. М., 1987., стр.158

сифатларнинг шаклланиб боришига сабаб булиши, хамда болалардаги асаб, рухий касалликларнинг чукурлашишига олиб келиши мумкин.

Рухиятни урганишнинг айрим услублари хусусида юкорида тухталиб утдик. Унинг яна катор усувлари мавжуд. Буларга куйидагилар киради: Клипец, Пиктограмма, Шульте жадвали, тугри ва тескари санаш, корректур синаш, кодлаш, геометрик фигураларни таснифлаш, мазмунли суратлар, хаётда учрамайдиган кулгили куринишлар, берилувчанликни урганиш, Де-Грефе (уз-узига баҳо бериш), Россолимо услуби ва хоказолар.

САВОЛ ВА ТОПШИРИКЛАР

1. Рухиятни урганишнинг кайси усувларини биласиз?
2. Тажриба утказиш хакида сузлаб беринг.
3. Услубиятлар тузишдаги принциплар нималардан иборат?
4. Мустакил равишда уз дафтарингизга катор услубиятларни чизинг.
5. Тест усулининг яратилиши хакида сузлаб беринг.
6. Векслер услубини изохлаб беринг.

АДАБИЁТЛАР

1. Мамедов К., Шоумаров Г. Акли заиф болалар психологияси. Тошкент, 1994. 30-39-бетлар.
2. Рубинштейн С.Я. Психология умственно отсталого школьника. М., 1986, 60-93-бетлар.
3. Методы психолого-педагогического изучения аномальных детей. М., 1981.
4. Практикум по психологии умственно отсталого ребенка. М., 1985, с.28-34.
5. Хрестоматия по патопсихологии. М., 106-113-бетлар.
6. Общая психодиагностика. Под ред. А.А.Бодалева, В.В.Столина. М., 1987.
7. Психологическая диагностика проблемы и исследования. Под ред. К.М.Гуревича. М., 1981.

ТАЯНЧ СУЗЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

1. Психик диагностика – аклни ташхис килиш.
2. Педагогик, логопедик диагностика – болаларнинг турли фанлардан билиш даражаларини, нутк камчиликларини ташхис килишdir.
3. Методикалар – маълум психик жараёнларнинг холатини, даражасини очиб беришга хизмат киладиган усувлар.
4. Тестлар – бола, укувчи рухиятининг холати хакида киска вактда маълумот беришга хизмат киладиган текшириш услуби.

“Мен узимдан бошка барча нарсани
билиман”

Ф.ВИЙОН